

КАСБИЙ ТАЪЛИМ - ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



ТОШКЕНТ, 2014

корхоналари, фермер хўжаликлари ва муассасасаларга тез-тез олиб бориб турсалар, мутахассислар билан учрашувлар уюштирилиб турсалар, биз шундагина касб-хунар коллежларига чинакамгина фидоний ўқувчиларни етказиб берган бўлардик.

Сир эмаски, кўпгина Европа ва Осиё мамлакатларида касб-хунар коллежларининг мовкеи олий ўқув юртлариникига нисбатан ҳам баланддирок. Масалан, Исроил давлатида касб-хунар коллежини битирган ишчи ўз хунарига қараб олий маълумотли мутахассисга нисбатан кўпроқ маош оларкан.

Яна бир мисол, Германияда Мерседес автомобил ишлаб чиқарувчи заводнинг коллежига ўқувчилар катъий танлов ва имтиҳон натижаларига қараб ўқишга қабул қилинаркан. Унинг дипломи фақат яхши ва аъло баҳолар билан ўқиган ўқувчиларганина бериларкан. Битирувчи ўқувчилар танлов асосида Мерседес заводига ишга олинаркан ва уларга катта маош белгиланаркан.

Ёшлар – келажакимиз ворислари. Шундай экан уларни ҳар томонлама баркамол, рақобатбардош кадр қилиб шаклланишига ҳар бир мавзё ўқитувчиси маъсул эканлигини унутмаслигимиз керак.

2014 йил – “Соғлом бола” йили деб эълон қилиниши замонави келажак бунёдкорларининг шахс сифатида шаклланиши зарур этилишини чин дилдан хис қилишимиз ва унга ўз хиссамизни қўйишимиз даркор.

ЎРТА МАХСУС КАСБ ХУНАР ТАЪЛИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Байдуллаев А.С., Юданова Ш.А.

Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежи

Калим сўзлар ва иборалар. Таълим мазмуни, педагогик технологиялари, назариялар, концепциялар, электрон ўқув кўрсаткичи, электрон мультимедиали дарслик.

Ҳозирда барча таълим муассасалари замонавий коммуникатив ва телекоммуникация технологиялари билан жиқозланишмоқда. Таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор бўланиши сифатида кўрилмақда. Таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини янги этиш масаласи оммалашмоқда. Бу эса, педагогларнинг ўз ишлари фаолиятига янгича ёндашувини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларнинг

жорий этилиши, ўқитувчини техникавий воситалар томонидан сиқиб чиқаришга эмас, балки ўқитувчининг вазифаларини енгилаштириш ва ўқувчига сифатли дарс бериш имкониятини яратди.

Замонавий ўқитувчи-келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялари, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Замонавий ўқитувчи томонидан ўқув жараёнининг ташкил этилиши жараёнида дарс мазмунидаги асосий маълумотлар ва ўқув материали шундай тақдим этилиши керакки, у талабанинг визуал гидрок қилиш қобилиятини осонлаштиради.

Ўқитувчи-таълим ислохатининг бош ижрокисидир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичида жуда катта миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллай олишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Уни ҳал қилишда ўқитувчига ўқитишнинг анъанавий усуллари билан бирга замонавий ахборот технологиялари, жумладан компьютерлардан фойдаланиш ёрдам беради. Дарсда компьютердан фойдаланиш ўқитиш жараёнини кизиқарли олиб бориш, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш имконини беради. Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) имкониятлари орқали ўқувчиларга жуда кўп маълумотларни олиш имкониятларига эга бўлади. Маъруза, амалий, семинар машғулотларини АКТларни ёрдамида ташкил этишда фанга тегишли ҳар бир мавзу бўйича фан ўқитувчиси томонидан алоҳида дарс ишланмаси (сценари

яси) ишлаб чиқилиши лозим. Ишланма асосида ўқитувчи томонидан режадаги барча мавзуларга оид баён этилиши лозим бўлган назарий, амалий семинар машғулотларига тегишли топшириқлар тўпламини электрон тақдимот шакли тайёрланади. Дарс ишланмаларига тақдимот слайдлар тайёрланиб, видеопроекторлар орқали ўқувчиларга тушунтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Тақдимотда қўшимча мультимедиадаги расмларни, аниқ жараёнларни акс эттирувчи тасвирлар, тармоқдаги маълумотлардан катта электрон экранда кўрсатиб тушунчалар берилса, ахборот таълим ресурс порталларидан фойдаланилса, ўқувчиларнинг билим ва малакалари янада бойитилади, шунингдек дарсга бўлган кизиқишлари янада ортади. Шундан сўнг фан ўқитувчиси дарсга тайёргарлик кўриши жараёнида мавзунини талабаларга АКТ воситаларидан қандай ва қайси вақтда фойдалана олишлигини технологик харита (ўқитувчи фаолиятининг алгоритми) ни дарс ишланмасида режалаштирилиши керак бўлади.

Технологик харитани тузиш учун ўқитувчи педагогика, психология, коммуний методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усуллари билиши керак. Ҳар бир оқининг ранг-баранг кизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган оқининг дойиқлаштирилган технологик харитасига боғлиқ. Дарсининг технологик харитасини қай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу

Ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яқлит ҳолда аке этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишининг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Фан ўқитувчиси фанга оид мукаммал мустақил таълим олишга мўлжалланган электрон ўқув адабиёти, электрон мультимедиали дарслик, нафақат матили ва кўргазмали, балки, овозли, анимацияли бўлиши фанни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Маърузада таълим мазмунининг самарадорлигини ошириш мақсадида республика таълим муассасаларидан янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқув режаларига киритилган фанларни янги интерфаол усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказишга, жумладан, масофадан туриб ўқитиш, компьютерлаштирилган анжуманлар ўтказиш, электрон дарсликларни яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашга қаратилган талбирлар ҳақида фикр юритилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008.
2. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли лугат. Тошкент, "Fanvatekhnologiyalar" 2008.
3. Джордейн Р.«Справочник программиста персональных компьютеров IBMPC, XT, AT», М., 1992.
4. <http://www.programmer.iatp.org.ua/index.htm> Сайт программист.
5. <http://www.i2r.ru/static/565/index.shtml> Программирование на Windows.

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СОЛИҚ ВА СОЛИҚКА ТОРТИШ ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ МУАММОЛАР

Нуралиев Шероф Иброҳимович

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ инспекцияси

Калит сўзлар ва иборалар: давлат, маъмул, билим ва кўникмалар, маънавий баркамол, эстетик принциплар

Юртимизда "Кадрлар тайёрлаш Миллий асослари" қа тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган, таълимга айланиш ва ёшларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилади. Маълум қўлқўлдан кўникмаларга маълум билимлар таълимнинг кўникмалар кўникмалар каторда, уларда илмий дунёқараш воситаси, таълим ва кўникмалар

миллий маданиятни шакллантиришни асосий вазифалардан бири деб қарали.

Бу борада Давлат Таълим Стандартлари таълим-тарбиянинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилди. Чунки бугунги ёшларимиз ўзларининг дунёқарашлари, билим ва кўникмалари, маданияти, қолаверса, эстетик принциплари билан собиқ тоталитар тузумдаги жамият аъзоларидан тубдан фарк қилади.

Сир эмаски, юртимизда фаолият юритаётган барча ўрта махсус таълим масканларида иктисод фанлари, жумладан, солиқ ва солиққа тортиш фани асосий фан сифатида ўқитилади. Аммо кези келганда шунинг айтиш керакки, иктисод йўналишидан ташқари, қолган кўпгина ўрта махсус таълим масканларида бу фанни ўтиш кўникмаларидек эмас, деб ўйлаймиз. Баъзи бир таълим масканларида бўлганимизда, солиқ ва молия ташкилотларига амалиётга келган ўқувчилар билан суҳбатда, шунингдек, ўрта махсус таълим масканларидаги иктисод фанларини ўқитаётган ўқитувчилар машғулотларини кузатганимизда, баъзи бир ўқитувчиларимиз номигагина машғулот олиб бориши, қайсидир маънода, таълим-тарбия жараёни учун салбий ҳолат эканлиги кишини ранжитади.

Тўғри, ўрта махсус таълим масканларида иктисод фанини ўқитиш учун соатлар камлигини ҳисобга олсак, ўқитувчи ҳар бир машғулотни юқори даражада ўтиши ва соатлардан унумли фойдаланиши ўқувчилар кўникмаларини ортиради. Бунда у турли хил роль ўйинларидан, илмтехнологиялардан усталик билан фойдаланса бўлади. Ахир барча ўқувчилар ҳам иктисодчи бўливермайди, аммо, бозор иктисодиёти даврида яшарканмиз, ҳар биримиз ҳам иктисодчи, ҳам тадбиркор, ҳам маълум бир вазифага эга бўлишимиз керак. Буни эса биз яшаётган прогрессив жамият тақозо этади. Бунинг учун эса таълим масканларида ўтиладиган ҳар бир фан талаб даражасида бўлиши керак.

Масалан, машғулотларда ўқитувчилар Буюк саркарда бобомиз А.Темурнинг "Темур тузуклари" асаридан ёки молия терминига асос қилинган шoir ва давлат арбоби З.М.Бобурнинг "Мубайн" асаридан кўникмаларни ўринлардан фойдалансалар, ўйлаймизки машғулотлар янада самарали бўлишига имкон яратган бўларди.

Айтиш керакки, бугунги ёшларимиз – ривожланаётган, демократик жамиятимизнинг келажagini таъминловчи шахслар ва юқори малакали илм ва кўникмалардир. Шундай экан, уларнинг ҳар томонлама шаклланишида нафақат машғулотларда олган билим ва кўникмалар, шу билан бирга, амалиётга олган тажрибалар ҳам келажакда рақобатбардош кадрлар бўлиб қолганига эътибор қилинган бўларди. Афсуски, молия корхоналарига, солиқ инспекциясига амалиётга келадиган кўпгина ўқувчиларда, солиқ айтиш керакки, Олий ўқув юртлари талабаларида ҳам етарлича билим ва кўникмалар, уларнинг ёзма ва оғзаки нутқ кўникмаларининг қўникмаларидан эса, эстетик фазилатларининг йўқлиги кишини, албатта,